



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 28 февраль, № 42 (8937)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИЛЛИЙ ДЗЮДО МАКТАБИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни нуфузли «Катта дубулга» халқаро турнири доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Халқаро дзюдо федерацияси раҳбари Мариус Визерни қабул қилди.



Мазкур йирик спорт ташкилоти билан мамлакатимизда дзюдо мактабини ривожлантириш ва ушбу яккакураш турнири оммалаштириш борасидаги самарали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқаро федерация фаолиятида фаол иштирок этмоқда. 2022 йилда мамлакатимизда катталар ўртасида жаҳон чемпионати, ўтган йили ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон биринчилиги муваффақиятли ўтказилди. Париж шаҳрида бўлиб ўтган ёзи Олимпия ўйинларида Дибера Келдиёрова Ўзбекистон тарихида илк бор дзюдо бўйича олтин медални қўлга киритди.

Федерация раҳбари Мариус Визер мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва спортнинг барча турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар, айниқса, қизларни кенг жалб этиш, замонавий спорт инфратузилмасини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловларни юқори баҳолади.

Урашувда спортчилар, мураббийлар ва ҳакамларни тайёрлашда федерациянинг техник кўмаги ва эксперт ёрдами кенгайтириш, иқтидорларни саралашнинг самарали механизмини жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудларида дзюдо бўйича халқаро мусобақаларни мунтазам ўтказиб бориш таклифи билдирилди.

Урашув якунида Ўзбекистон Президенти миллий дзюдо мактабини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Халқаро дзюдо федерацияси раҳбари Мариус Визерга давлатимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» орденини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

СУДЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Президент Шавкат Мирзиёев 27 февраль куни суд фаолиятини янада яхшилаш, очиклик ва рақамлаштириш даражасини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Инсон манфаатлари, қонун ус-туворлигини таъминлайдиган бу соҳани такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида. Сўнгги саккиз йилда судларга доир 70 га яқин қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг моддий-техник базаси яхшиланди.

Булар аҳоли ва тадбиркорларнинг масалаларини ҳал этиб, адолатли қарор топтиришга хизмат қилляпти. Ўтган йили судларда 3 миллиондан ортиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу — аҳолининг ҳуқуқий онги озиб бораётганидан далolat.

Хозирги кунда судга ариза бериш, суд ишининг ҳолатини кузатиш, суд ҳужжатларини электрон нусха олиш каби 14 та хизмат рақамлашган. Олий суднинг «my.sud.uz» порталида хизматлар ва ўндан фойдаланувчилар сони кўпайиб бормоқда. Шу пайтгача 17 миллионга яқин суд ишлари ахборот тизимлари орқали юритилган, 15,5 миллионга иш судьяларга инсон омилсиз тақсимланган.

2024 йил 1 ноябрдан бошлаб судларнинг ички ҳужжатлар айланмаси тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Натижада қисқа даврда Давлат бюджетидан 638 миллион сўмлик харажатлар иқтисод қилинди.

Энди бундан ташқари давлат эътириши, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш керак. Хусусан, суд муҳокамасининг таҳминий натижаси ва кетадиган харажатларни олдиндан аниқлаб бериш, ҳуқуқий ёрдам бўйича виртуал маслаҳатчини яратиш, тайинланган жарималарни онлайн кузатиш ва электрон шаклда тулаш каби имкониятлар одамларга катта қулайлик яратади. Бугун ривожланаётган сунъий интеллектдан фойдаланиб бу каби қўламли аниқликларни жорий этиш мумкин.

Шу босис йиғилишда суд фаолиятини рақамлаштириш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Тақдиримизга кўра суд ишларини юритишда қоғоз шаклидан бутунлай воз кечиш мақсадида «Рақамли суд» концепцияси амалга оширилади. Бунинг учун Олий суд ҳузурида Ахборот технологияла-

ри маркази ташкил этилади. У судларга зарур бўлган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар яратиш, сунъий интеллектни жорий этиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланади. Тадбиркорлик субъектлари билан судлар ўртасида электрон маълумот алмашиш йўлга қўйилади. Ишларни кўриб чиқиш тезкорлиги ошади.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун судлар ва барча алоқадор ташкилотларнинг ахборот тизимлари интеграцияси муҳимлигини, қулайликларни одамлар сезиши кераклигини таъкидлади.

Бу ишларни кенгайтириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларини судлар билан самарали боғлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳар йили судларда 1 миллионга яқин нисозис ишлар ҳам қўриляпти. Масалан, ўтган йили фуқаролик судларида коммунал қарздорлик бўйича 200 мингга яқин шундай ишлар қўрилган. Аслида бунинг нотариусида ҳам ҳал қилса бўлади. Шу нуктаи назардан, нисозис ишларни кўриб чиқишни тегишли идораларга ўтказиш таклифи билдирилди.

Конституцияга кўра Олий судга қонунчилик ташаббуси ваколати берилган. Шунга асосан тадбиркорлик, инвестиция, инфратузилма, ер, солиқ, кредит, меҳнат муносабатлари каби энг кўп учраётган масалаларни таҳлил қилиб ҳар ойда ҳукуматга, ҳар чорада парламентга тақлиф қилиб бериш муҳимлиги таъкидланди.

Соҳага оид қонунларни халқаро стандартларга мослаштириш, судни янада халқлик қилиш, тизимни молилаштириш бўйича қонунлар зарурати қайд этилди.

Иқтисодий суд тизимини ислоҳ қилиш, бу борада ягона суд амалиётини йўлга қўйиш масаласига тўхталиб ўтилди.

Суд биноларида одамлар учун зарур шароит яратиш бўйича му-тасаддиларга топширилган берилди.

Судьялар малакасини, жумладан, ахборот технологиялари бўйича билимини ошириш, ёш кадрларни шу жиҳатлардан етук этиш тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўзида мужассам эътибор қадрият ва аъёнларни безавол сақлаш ҳамда келгуси авлодларга етказиш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлар ва динлараро тотувлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар олиб борилаётган. Бу каби эзгу амаллар муборак Рамазон ойида айниқса ёрқин намойён бўлмоқда.

Халқимиз учун азалдан меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик тимсоли бўлиб келган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2025 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 1 март кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон ойини **миллий аъёна ва қадриятларга мос тарзда** ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ушбу фазилатли ойда «**Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи**» гоёси асосида: эҳтиёжмандлар ҳамда илм-маърифат йўлида изланаётган ёшларга ёрдам бериш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

оилавий ришталарни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини кучайтириш ҳамда ҳурмат ва меҳр-оқибат қадриятларини тараннум этишга;

атроф-муҳитни асраш, муқаддас қадамжо, зиёратгоҳ

ва қабристонларни ободонлаштириш, кўчатлар экишга ҳамда Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларда меъёрга амал қилиш ва исрофгарчиликка йўл қўймашликка алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 27 февраль

Омбудсман институтига 30 йил:

ТОЗА ВА ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

Тошкент шаҳрида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг 30 йиллиги муносабати билан «Тоза ва қулай атроф-муҳит — инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафолати» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Конференция

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Конорад Аденауэр ҳамда Фридрих Эберт жамғармалари ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбир инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни акс эттириш, экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг тоза муҳитда яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилди.

Тадбирда хорижий давлатлар омбудсманлари, миллий институтлар, ваколатли давлат органлари ва халқаро ташкилотлар ўртасида таъриба алмашиш ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида ургу берилди.

Анжумани Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Омбудсмани Ф. Эшматова очиб бериб, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашда Омбудсман институтининг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталишди.

Таъкидланганидек, 1995 йил 23 февраль куни Омбудсман институти МДХ мамлакатлари орасида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб жорий этилди. Ўтган давр мобайнида бевосита фуқаролар мурожаатлари билан ишловчи Омбудсман фаолиятига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг замонавий ва самарали механизмлари татбиқ этилди.

ЎЗБЕКИСТОН — МЎЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИ

Президентимиз тақлифига биноан расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларини юксак баҳолади.

Мушоҳада

Инсоният Ер юзида пайдо бўлгандан бошлаб, то бугунги кунгача уни рози қилиш, кўнглини олиш, у хоҳлагандай жамият қуриш ҳамма вақт қийин ва машаққатли кечган. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг бошқарувга келиши нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон сиёсатида ҳам янгича қарашларга сабаб бўлди — дунё ҳамжамиятида мамлакатимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди.

Инсон унутувчан. Кечгаги кунимизни эсдан чиқариб, бугунги кунимизни тобора ортиб бораётгани ҳам ҳақиқат. Яқин ўтмишимизга назар ташласак, Ўзбекистон 2016 йилгача бутун дунёга ёпиқ эди. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон билан боғлиқ масалалар юзасидан барча музокараларни номатълум муддатга тўхтатганди. Ўзбекистон ҳақида гапирилганда, хатто ўзининг ён қўшилари билан ҳам келишолмайдиган, савдо-сотик қилмайдиган, яқкаланиб қолган бир жамият тушуниларди.

Бунинг жабрини, асосан, халқлар тортарди. Хатто минтақада ҳам ишончсизлик ҳукмрон, ҳар қандай улкан лоийҳаларда Ўзбекистон чет-лаб ўтилари. Бунинг натижасида бир пайтлар Марказий Осиёнинг бош мамлақати бўлган Ўзбекистон мавқеини бутунлай йўқотиб қўйди. Бу нафақат ташқи, балки ички сиё-

сатга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди.

Тасаввур қилинг, жамиятнинг жаҳонга очилиши керак бўлган эшиги тақа-тақ ёпиқ. Бу етмагандай деразалар ҳам тўлиқ беркитилган, жамият дунёни кўрмадлиги, дунё жамиятини кўрмадлиги учун қўшимча қора пардалар ҳам тутилган эди. Бунинг оқибатида тоза хавосиз қолган жамият инқирози тезлашди.

Ўзбекистонда вазият шу даражага бориб етдики, биз на илм-фанда, на бошқа соҳаларда жаҳон билан ҳамкорлик қилиш, ҳисоблашиш имкониятига эга бўлдик. Мустақилликнинг ўтган 25 йили давомида илм-фанда ҳам, таълимда ҳам депинсия эди. Солиштириш имконияти чекланган, алоқалар узилган, ҳамкорлик йўқ даражага келган бир даврларни бошдан кечирдик. Тақдир тақозоси билан хорижга чиқиб кетган, дунёнинг энг катта илмий марказларида, компанияларида фаолият кўрсатаётган ватандошларимизни хойинга чиқардик. Уларнинг келиб-қетишига изн берилмади. Ватанга узатилган қўллар қуруқ қайтарилди. Аксинча, ўзимизнинг ичимиздан душман яшаш кампанияси авж олди.

Мен нимага бу тарихни афсус-надамот билан эслаяман. Ёшлар бу ҳақиқатни билишлари, бугунги куннинг қадрига етиши учун айтилиши керак бу гаплар.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган янги Ўзбекистон гоёси бутун дунёда эътироф этилаётганини, тан олинаётганини Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг давлатимиз раҳбарига қарата айтган мана бу фикрлари ҳам тасдиқлайди:

«Сиз давлат бошқарувида келган илк кунлардан бошлаб Ўзбекистонни қайтадан трансформация қилдингиз. Сиз жамиятни қайта тикладдингиз. Агар адашмаётган бўлсам, 2016 йилда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 42 фоиз бўлган, савдо кўрсаткичи ҳам паст эди. Бугун камбағаллик даражаси 8 фоизга тушди, инвестициялар ҳажми эса 30 миллиардга етди. Шунинг ўзи катта ҳам мўъжиза эмасми?! Бу ростдан ҳам мўъжиза. Чунки бундай натижаларга балиндларвоз гаплар орқали эришилмайди ёки яхши бир кенгашириш ташкил этиш билан ҳал бўлиб қолмайди. Мўъжизалар аниқ қарашлар, юқори динамика, тинимсиз меҳнат ва яқдил мақсад сари дадил интилиш орқали пайдо бўлади. Мен мана шундай улғу сифатларни сизда кўрдим».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шаънига айтилган бу самимий сўзлар, муносиб эътироф, шу юртнинг фуқароси сифатида мени тўлқинлантириб юборди. Қалбимда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилган демократик трансформация ҳақида тўхтамоқчиман.

Трансформация сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, унга «қайта ўзгариш», «қайта ҳосил бўлиш», дея

таъриф берилади. Мамлакатимиздаги трансформация жараёнлари дастлаб Марказий Осиёда ҳукми сурган совуқ муносабатларнинг барта-раф этилишида намойён бўлди. Ўзбекистон томонининг барча халқаро ташкилот ва тузилмалар билан ҳеч қандай шартларсиз, эркин муносабатларни йўлга қўйганлигида кўринди. Сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида бошланган ислохотларда кўзга ташланди. Қолаверса, бутун дунё билан тинчлик ва дўстлик тараққиёт ва ривожланиш асосига қурилган халқаро алоқаларда ўз аксини топди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари асосида амалга оширилаётган иқтисодий трансформация ҳам ҳақиқий мўъжиза эканлиги, у ўзининг ижобий натижаларини бераётгани Малайзияга қилинган давлат ташрифи, Қувайт Давлатида эришилган келишувларда ҳам яққол кўришиб турди. Йилнинг энг қисқа ойи — февралда Покистон ва Ўзбекистон ўртасида имзо-ланган келишувлар бунинг яна бир бор тасдиқлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган конституциявий ислохотлар ҳам нафақат мамлакат, балки халқаро экспертлар томонидан кенг таҳлил қилинган, ўрганилди. Бу ислохотлар бугун Ўзбекистон учун сув ва хаводек зарурлиги тан олинди, эътироф этилди.

Амалга оширилган ижтимоий трансформация жараёнлари эса жамиятдаги қадриятларни сақлаб қолиш, инсон кадр-қийматини янада улғулаш, умумийлик ва маъму-ликдан воз кечиш, манзиллик ва аниқликка ўтиш, ҳар бир Ўзбеки-

стон фуқаросини рози қилиш, унинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришда давлат мадади ва кўмагини аямаслиқни кўзда тутди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф «Сиз Ўзбекистонни қайтадан трансформация қилдингиз», деганида минг қарра ҳақ эди. Бу эътироф замирида Ўзбекистон раҳбарининг беҳаловат кўнлари, бедор туңлари ва она халқига бўлган чексиз меҳри муҳасамлашган.

Бош вазир жаноблари Ўзбекистонда қисқа муддатда камбағаллик даражаси 42 фоиздан 8 фоизга тушганини «мўъжиза», деб атаганда ҳам мутлақо ҳақ эди. Президент Шавкат Мирзиёев тарихда биринчи марта Ўзбекистонда камбағаллик мавжудлигини эълон қилди ва уни бартараф этиш юзасидан махсус концепция ишлаб чиқди. Бу жажон давлатлари тарихида камдан-кам учрайдиган жасорат эди. Шунингдек, Покистон раҳбари Ўзбекистонга жалб этилган инвестициялар ҳажми 30 миллиард долларга етганидан ҳам ҳайратини яширмади.

Шу ўринда, олий мартабали мекмоннинг мамлакатимизда ўз берган мўъжизавий ўзгаришлар ҳақидаги мана бу турмуш сўзларини так-рор бўлса-да яна келтиргим келди: «Мўъжизалар аниқ қарашлар, юқори динамика, тинимсиз меҳнат ва яқдил мақсад сари дадил интилиш орқали пайдо бўлади. Мен мана шундай улғу сифатларни сизда кўрдим».

Рустам ХОЛМУРОДОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

Омбудсман институтига 30 йил:

ТОЗА ВА ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ



Вакилнинг муҳожаатлари билан ишлаш жараёни тўлиқ рақамлаштирилди ва фуқароларга қўшимча қулайликлар яратилди. 2022 йилдан Омбудсманнинг минтақавий вакиллари доимий асосда иш бошлади ва бу муҳожаатлар жойида тезкорлик билан ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

Ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга ҳукумат эътиборини қаратиб келяпти. Бугунги кунда экологик вазиятнинг кескин ўзгариши, ҳаво ҳамда сув ресурсларининг ифлосланиши, тупроқнинг эрозияга учраши ва ўқиланиш жараёнининг кучайиши инсониятга жиддий таъсир ўтказаяпти.

Халқаро конференция ўз ишини сессияларга бўлинган ҳолда олиб борди. Уларда юқоридаги каби муаммолар ва уларнинг инсон ҳуқуқларига таъсири кенг муҳокама қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)

Олий Мажлис Сенати қўмиталарида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ИЗОҲЛАНДИ



Давлатимиз раҳбари томонидан япйи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилда 200 млрд. долларга етказиш вазифаси белгилаб берилди.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда маҳаллий Кенгашларнинг Маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссиялари учун ташкил этилган семинарда батафсил тўхталиб ўтилди.

Маҳаллий Кенгашлар ваколатлари ҳам кенгайган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкалари миқдорини белгилаш ваколати берилган.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЖИЛОВЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўтган йили мамлакатимизда содир этилган умумий жиноятларнинг 92,4 фоизи фош қилинган. Қидирувдаги шахсларнинг 8 736 нафари ушланган ва бедарак йўқолганларнинг 567 нафари топилган.

Бу ҳақда Олий Мажлис Сенатининг Муҳофа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Ички ишлар вазирлиги масъуллари ахборотида айтиб ўтилди. Мажлисда ИИВнинг 2024 йили ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликдаги ишлари тинланди.

Унда сенаторлар, экспертлар, маҳаллий Кенгашлар котибияти ва доимий комиссиялари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Семинарда Сенат ва маҳаллий Кенгашлар олдига турган долзарб вазифалар ва муҳим ташаббуслар муҳокама қилинди.

Юқориликка ҳам эътибор қаратилди. Унда жароҳатланган ва вафот этганлар 2023 йилдагига нисбатан камайган бўлса-да, таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаган. Кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг аниқ тақлиф ва тавсиялари акс эттирилган тегишли қарори қабул қилинди. Олди олиниши лозим бўлган жиноятлар салмоқи ортиб бораётган ҳудудларда вазиятни яхшилаш бўйича қўшимча чоралар кўриш кераклиги белгиланди. Қарорда банклар ва электрон тўлов тизимлари операторлари фаолиятига махсус дастурий таъминотлар жорий қилиш, ноқонуний операцияларнинг олдини олиш бўйича махсус тезкор-техник тадбирлар ўтказишнинг кучайтириш каби бошқа масалалар ҳам акс этган.

КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун семинар ташкил этди.

Унда сенаторлар, экспертлар, маҳаллий Кенгашлар котибияти ва доимий комиссиялари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Семинарда Сенат ва маҳаллий Кенгашлар олдига турган долзарб вазифалар ва муҳим ташаббуслар муҳокама қилинди.

Унда сенаторлар, экспертлар, маҳаллий Кенгашлар котибияти ва доимий комиссиялари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Семинарда Сенат ва маҳаллий Кенгашлар олдига турган долзарб вазифалар ва муҳим ташаббуслар муҳокама қилинди.

қат хавфсизлигини таъминлаш, соҳада иш ўринларини яратишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби изохланди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва котибияти ходимлари томонидан Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда қабул қилинаётган ҳужжатлар сифатли бўлишини таъминлашда эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтилди. Мутахассислар томонидан ҳужжатларини расмийлаштиришда кузатилаётган муаммолар мисолида тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА МАСЪУЛИК ВА ДАҲЛДОРЛИК

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўзлари сайланган округларда бўлиб, сайловчилар билан мулоқотлар ўтказмоқда.

Депутатлар — ҳудудларда

Тадбиркорлар билан мулоқот самарали бўлди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲўлидеП фракцияси раҳбари Ақтам Ҳамитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятидаги тадбиркорлик субъектлари ва корхоналар фаолияти билан танишди.

Таъкидланганидек, ўзида тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг каттагина қисмини жамлаган ҲўлидеП фракцияси барқарор иш жойларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини ишбилармонликка жалб қилишнинг маҳаллабай дастурларини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатаяпти. Ишсиз фуқароларни кичик бизнес ва тадбиркорликка йўналтириш учун микроолиялаш хизматларини кенгайтириш ва замонавий молиявий инструментлардан кенг фойдаланишни қўллаб-қувватламоқда.

Аҳоли муҳожаатлари ижобий ҳал этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг «Адолат» СДП фракцияси раҳбари Робохон Маҳмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Сурхондарё вилояти Халқ қабулхонасида бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан танишди. Шунингдек, ўз муаммоларига чора топиш учун Халқ қабулхонасига келган фуқаролар билан учра-

шиб, муҳожаатларини тинглади ва аксариятини ўша ернинг ўзида ҳал этишга эришилди. Хусусан, Термиз шаҳрининг, «Мажнун-тол» МФЙда яшовчи Тамара Шодмонова қизи 2-гуруҳ ногирони экани, ўз уйи йўқлиги сабаб шаҳардаги 10-ётоқхонада истиқомат қилиши ва коммунал тўловларни тўлашда қийналаётганини билдирди. Фракция раҳбари ушбу масалани ўз назоратига олиб, муаммони жойида ҳал этди.

Еки Термиз шаҳрининг «Боғишамол» МФЙда яшовчи Ҳайитой Холмуродова жигар широзини ва тизза емирлиши касалликларидан азият чекаётгани, тўрт фарзандидан икки нафарининг ногиронлиги борлиги, кичик ўғли ишсиз эканини айтиб, ўғлини иш билан таъминлашда ёрдам сўради. Ишчи гуруҳ аъзолари шаҳар бандлик хизмати вакили билан биргаликда ушбу муаммога ечим топди.

Фракция раҳбари бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили — Термиз туманидаги Орол маҳалласи бўлди. Бу ерда улар аҳоли хонадонларида бўлиб, уларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишди.

Маълумки, Сурхон воҳаси вакиллари азалдан ер билан тиллаша оладиган, ҳар қарч ернинг қадрини биладиган халқ. Маҳалла аҳолисининг ердан унумли фойдаланиши, иссиқхона ҳўжалиқлари ташкил этиш ва томчилатиб сўғориш тизимида сабзавот-полиэ экинлари етиштиришни ривожлантириш борасидаги ишлари депутатларда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, фуқаро Дониёр Оминов хонадонда 2 сотих иссиқхона қурган. Олган фойда ҳисобига яна 12 сотих иссиқхона газ билан эмас, уч қаватли маҳсул пёнка билан иситилиб, тежажор технология асосида томчилатиб сўғорилади. Омилор деҳқон иссиқхонадан тушган даромади эвазига уйини таъмирлаб, онди «Аида» навли бўлгур қалампирдан янада юқори ҳосил олмақчи. Учрашувлар давомида аҳолига қонунчиликдаги янгилликлар, давлат яратаятган

имкониятлар ҳақида атрофликла тушунарлар берилди.

Сув тозалаш иншооти фаолиятини тиклаш масаласи сўралди

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Абдушукр Ҳамзаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари Қашқадарё вилоятида бўлиб, Қарши шаҳар оқова сув тозалаш иншоотининг ҳолатини ўрганди.

1979 йилда қурилган мазкур иншоотнинг умумий ер майдони 42 гектарни ташкил этади. Қуввати суткасига 25 минг кубометр бўлиб, 2004 йилда тозалаш ускуналари эскирганлиги сабабли фаолиятини тўхтатган. Ушбу оқова сув тозалаш иншоотини тўлиқ ишга тушириш имкони топилса, Қарши шаҳридаги 59 та маҳалла аҳолиси марказлашган хизмат билан тўлиқ қамраб олинади.

Шу боис Экологик партия фракцияси бу борадаги ишларни жамоатчилик назоратига олиб, иншоотни қайта тиклаш, унинг фаолиятини тўлиқ таъминлаш бўйича тегишли мутасадди вазирликларга сўров юборадиган бўлди.

Сайловчилар кўтарган масалалар жойида ҳал қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаев Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда ва айни чоғда ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини ҳам ўрганмоқда. Депутат ўрганишининг дастлабки куниде ҳудуддаги 5 та ижтимоий соҳа объектида бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, 100 га яқин сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Мазкур учрашувларда айрим фуқароларнинг муҳожаатлари ҳам жойида ўз ечимини топди. Хусусан, фуқаро Умид

жон Суннатовнинг бир ойлик ҳарбий хизматга бориш масаласи ҳал бўлди. Муддат талаб қиладиган муҳожаатлар ечими депутат назоратига олинди.

Тақлиф ва истаклар ўрганилмоқда

Қонунчилик палатаси депутати Зиёдбек Юнусов Республика иқтисодлаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фаргона вилояти филиали фаолияти билан танишди.

Марказда беморлар учун барча шарт шартланган бўлиб, касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш учун энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Марказ шифокорлари ва ҳамшираларнинг малакаси тизимли равишда ошириб келинмоқда. Бироқ аҳоли орасида онкология касалликларини олдини олиш бўйс аниқланган беморларни ўз вақтида даволаш учун зарур ўринлар етишмаслиги муаммоси мавжуд.

Шунингдек, жарроҳлик амалиётидан чиққан беморларни даволашга мўлжалланган реанимация бўлим бинининг 4-қаватида жойлашгани боис тиббиёт ходимлари ва беморларга қийинчиликлар юзага келаётгани ва бўлим ходимлари меҳнатини энгилаштириш учун биного лифт ўрнатиш масаласи ҳам депутат назоратидан четда қолмади.

Назорат-тахлил тадбирлари давомида беморлар ва уларнинг яқинлари билан ҳам суҳбатлашилди. Уларнинг тақлиф ва истаклари ўрганилди. Шифохона ички имкониятлари доира-сида ҳал этиш мумкин бўлган масалалар юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Эътибор марказида — ижтимоий соҳа объектлари

Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳаматованинг Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида сайловчилар билан очик мулоқотлари амалий натижаларга бой бўлмоқда.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Покистон Ўзбекистоннинг нафақат Жанубий Осиё ва ислом оламидаги, балки жаҳон миқёсидаги ишончли шерикларидан бири саналади. Сўнгги йилларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, хавфсизлик ва минтақавий барқарорлик борасидаги икки томонлама алоқалар тобора ривожланиб бормоқда.

Фикр

Эътиборли жиҳати, ҳамкорлик икки мамлакат етакчилари ташаббуси билан изчил давом эттириляпти. Жумладан, куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислам Республикаси Бош вазир Шайбоз Шарифнинг дастлаб тор доирада, сўнгра расмий делегациялар иштирокидаги музокараларида эришилган келишувлари алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш йўлида катта қадам бўлди.

Учрашувда дастлаб Президентимиз томонидан 2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошгани, қўшма корхоналар сони 130 тага етиб, Қарачи ва Тошкентда савдо уйлари очилгани ҳамда Тошкент ва Лаҳор ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар тиклангани эътироф этилди.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Покистон етакчилари транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш ҳамда транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига ҳам алоҳида тўхтадилар. Боиси ушбу имконият нафақат икки мамлакат, балки минтақалар тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кейинги бир неча йилда Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон мультимодал йўлғи орқали юк ташвиш ҳажми 5 баробар кўпайди. Юк айланмаси ҳажмини янада ошириш мақсадида қўшма транспорт-логистика компаниясини ташкил этишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустақамлашга қаратилган Қўшма декларация ҳамда икки томонлама Олий даражадаги стратегик шериклик кенгашини тузиш тўғрисидаги баённома имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат етакчилари ҳузурида Ҳукумат аъзолари томонидан ҳам ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Албатта, имзоланган шартномалар негизида, аввало, икки халқ турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётини юксалтиришга қаратилган катта мақсадлар мўжассам. Буни транспорт соҳасида ўтган давр мубайнида эришилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда Тошкентдан Покистоннинг иккинчи йirik шаҳри — Қарачига ҳаво орқали йўл очиш юзасидан музокара давом этмоқда. «ТCS» компанияси билан бирга Тошкент ва Қарачи ўртасида самолётда юк ташвиш ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа таркиби тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини қисқа мuddатда етказиб бериш имконини беради. Бу — озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шу соҳадаги тадбиркорларимиз учун катта имконият, дегани.

Шунингдек, ташриф давомида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида иштирок этдилар. Ишбилармонлар билан бўлиб ўтган учрашувларда давлатимиз раҳбари йилгига камида икки марта — Ўзбекистон ва Покистонда бизнес вакилларини кенг жалб қилган ҳолда ишбилармонлик тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш, журғорди яқинлиқни ҳисобга олиб товар айирбошлаш ҳажмини кескин ошириш, шу жумладан, амалдаги Илтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар номенклатурасини кенгайтириш, электрон савдо платформаларини интеграция қилишга алоҳида эътибор қаратиш каби икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтирувчи қатор тақлифларини илгари сурди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги стратегик шерикликлари мустақамлашгани бугунги глобал ўзгаришлар шароитида икки минтақа барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР



Айни пайтда туманда атиргулчиликка ихтисослаштирилган 18 та, мевали ва манзарали кўчатлар етиштирувчи 26 та, цитрус мевалар, кулпуннай парваришланган 10 та маҳалла бор. «Қорақум» МФЙ аҳолиси кўчатчилик ва гулчилик соҳасида илғорлар сафида бўлиб, мазкур йўналишда илм-фан ютуқлари ва ҳаётий тажрибаларни ўзаро ўйунлаштириш орқали катта ютуқларга эришмоқда. Шу кунларда маҳаллага водий вилоятларидан тортиб, қўшни республикалардан юзлаб турдаги атиргул, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини олиб кетиш учун харидорлар кела бошлади. Аҳамиятлиси, қорақумликлар эн-

диликда шунчаки боғбон эмас, тадбиркор, ўзига тўқ оилалар соҳиби.

— Маҳалламиздаги 1 135 та хонадонда 5 871 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Қорақум» МФЙ раиси Мирзаакбар Исмоилов. — Бугун ҳар бир қорақумликнинг боғбончилик соҳасида ўзига хос тадбиркорлиги бор. Ҳалол раво қобат муҳити туфайли ҳар бир оила тинимсиз илганишида.

Биргина «Асад водий гуллари» гулчилик кооперацияси раҳбари Алишер Тожиев маҳалладошларига кўчатчилик билан бирга, мавсумий атиргуллар қаламчаларини етиштириш фойда фойдали, даромадли эканини, энг муҳими, ўз бизнесини

Омилкорлик

Юртимизда бўлгани каби Қувада ҳам кўклам илк нишонларини кўрсатди. Туман ҳудудида жойлашган «Каркидон» сув омбори атрофидаги 270 гектар ерда «Яшил белбоғ» ташкил этилмоқда. Мазкур манзилда 300 минг тулдан ортиқ манзарали кўчатлар экилиб, эскирган сув иншоотлари таъмирдан чиқарилади.

ҚУВАДА ГОЛЛАНД АТИРГУЛЛАРИ

Йўлга қўйишни ўргатди. Ҳозирги кунда маҳалладаги юзлаб оилалар гулчилик билан шуғулланади. Кооперация кўмагида 400 турдан зиёд гул қаламчаларини МДХ, Европа мамлакатларига экспорт қилмоқда.

Кейинги йилларда маҳаллада Нидерландия, Япония, Жанубий Корея давлатларидан жаҳон бозорига энг харидориги гул уруғи, кўчатлари олиб келиниб, маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилди. Бундай ноёб атиргуллар, лолалар, мавсумий ва кўп йиллик манзарали гуллар етиштириётган қорақумликларнинг йиллик даромади ўрта ҳисобда юз миллион сўмни ташкил этаётди.

Эътибор берилса, маҳалла ҳудуди бўйлаб ўтадиган катта йўл ёқасида жойлашган ҳовлилар табиатнинг бетакрор жонли музейига ўхшайди. Манзарали

дарахт ва буталар, арчалар, анвойи гулларга турли шакллар берилиб, ажойиб безаклар чиқаришган. Маҳалла тадбиркорлари буюртма асосида аҳоли хонадонлари, корхона-ташкilotлар ҳудудига ана шундай ўзига хос безакли яшил мажмуаларни ташкил қилиб, парваришlash жараёнида кўмаклашмоқда.

Муболага бўлмасини, аммо ландшафт архитектураси намуналарини яратишда қорақумликларга етадигани йўқ, Баҳодир Шерматов ва Аҳрор Эминов ана шундай янги гоёлар, инновациялар ташаббускори. Бу икки кўшни дарахтлар, гулларга турли шакллар ёрдамида безак бериб, ноёб дизайнли яшил йўлга ва хиёбонлар яратиб беришдаги маҳорати билан тилга тушган. Бу омилкорлар кўп йиллик дарахтлар кўчатларини олиб бориб, томорқангизда бир-икки

йилда мевага кирувчи интенсив боғлар ташкил қилиб беради.

— Кўчатчилик, гулчилик шунчаки дехқончилик юмуши бўлмай қолди, — дейди Баҳодир Шерматов. — Ҳар бир ишга янгича мезонлар асосида илм билан ёндашган тадбиркор ютади. Шундан мунтазам хориж тажрибасини ўрганамиз. Ижтимоий тармоқларни кузатиб, янгилик ва ўзгаришларни ўз фаолиятимизга татбиқ этишга ҳаракат қиламиз.

Бугун каттаю кичик қуваликларнинг мақсади ўз ҳудудини боғу бўстонга айлантиришга қаратилган. Ишонимизки, бундай эзгу ниятлар яқин йилларда юртимизнинг ҳар бир гушаси яшил чаманзор бўлиб, тобора чирой очиб боришига хизмат қилади.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

«Ғоялар генератори»

ЁШЛАР ТЕХНОПАРКИ — ИМКОНИАТЛАР МАСКАНИ

Хоразм вилоятида инновацион ғояларни амалга ошириш истагидаги йигит-қизлар учун «Ғоялар генератори» вазифасини ўтайдиган Ёшлар технопарки фойдаланишга топширилди.

10,2 млрд. сўм маблағ эвазига «хайтек» услубида бунёд этилган ушбу маскан ўз ғояси билан кириб келган иқтидорли ёшларга амалий ёрдам бериб, лойиҳани тайёр маҳсулотга айлантириш ва бозорга чиқаришгача бўлган жараёнда кўмаклашади.



Эътиборлиси, бу ерда интилувчан йигит-қизлар билимларини тақомиллаштириш билан бирга, даромад ҳам топади.

— Технопарк йилга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига қизиқувчи 800 нафар ёшни 7 та йўналишда ўқитиш имкониятига эга, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги директори Шароф Ражаббоев. — Ёшлар бу ерда веб-дастурлаш, робототехника, «3D» моделлаштириш, график дизайн, веб-дизайн, мехотроника, стартаплар билан ишлаш йўналишларида таълим олади.

Ёшлар технопаркиннинг очилиш маросимиде илк резидентлар ўз лойиҳалари билан иштирок этди.

— «Ақлли кўл» деб номланган лойиҳа кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат уни-

верситетининг 2-босқич магистранти Дилшод Ражабов. — Мен ясаган кичкина қурилма балиқчилик ҳўжаликлариде балиқ етиштиришдаги мавжуд муаммоларга ечим топишга хизмат қилади. Ушбу қурилма сувдаги кислород миқдорини, ҳарорат, сувўзлари концентрацияси ва сув сатҳини аниқлаб турувчи датчикларни жамлагани сабабли, муаммони аниқлаган ҳолда мобиль иловга маълумот узатиб боради. Мобиль илова бу маълумотларни тушунишга қулай кўринишда муаммага ечим ҳам чиқариб беради.

Айни пайтда вилоятдаги балиқчилик кўрларининг 6 тасида шундай қурилмалар ўрнатилган. Эндиликда Дилшод технопаркда резидент сифатида фаолиятини йўлга қўйиб, йилга 200 та ана шундай қурилмани ишлаб чиқаради.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ: ҲАМ ЁРУҒЛИК, ҲАМ ДАРОМАД

Катта сармога, ишчи кучи талаб этмайдиган, шу билан бир қаторда, барқарор даромад келтириб турадиган лойиҳалар ҳамisha ва ҳаммани қизиқтириши турган гап. Қуёш панелларини ўрнатиб, ундан электр энергияси ишлаб чиқариш ҳам аслида ана шундай лойиҳалар сирасига киради.

Мувозанат

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари, дастурлар асосида соҳанинг ҳуқуқий мезонлари яратилди. Аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг истеъмолдан ортқича электр энергиясини давлатга сотишнинг таъминлаш учун зарур тизим шакллантирилди. Ўз навбатида, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, қуёш панелларини ўрнатиш орқали нафақат хонадонини арзон электр энергияси билан таъминлаётган, балки ортқича электр манбаини давлатга сотиб даромад олаётган оилалар ҳам кўпаймоқда.

— Қуёш панелларининг самарасини аввалдан биламан, — дейди Қарши шаҳридаги Отчопар маҳалласида яшовчи тадбиркор Дилшод Кичкинаев. — Олдин бир-иккита объектимизга кичик қуёш панелларини ўрнатиб, қўшимча электр манбаига эга бўлган-ди. Жорий йилда 90 миллион сўм маблағ эвазига хонадонимга кунлик 20 кВт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини берадиган қуёш панелларини ўрнатдик. Ҳар ой электр энергияси тўлови учун сарфлайдиган маблағ фойдага қолаётгани, давлатга сотилаётган электр энергия учун ойма-ой маълум миқдорда даромад келаётганини ҳисобга олсак, қуёш панелларининг

самараси даров сезилади. Энди ҳовлидаги ҳўжалик биналари томига ҳам яна камида 20 кВт қувватга эга қуёш панелларини ўрнатиб, давлатга сотадиган электр энергияси ҳажминини ошириш ниятида-миз.

Дилшод Кичкинаев қуёш панеллари хонадон учун, ҳақиқатан ҳам, самарали электр манбаи экани, бироқ уни харид қилиш ва ўрнатишда сифатга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Чунки бугун бозорда сифатсиз қуёш панеллари ҳам, уни ўрнатиб беришда «қўлдан ўтувчи, эгасига етувчи» қабилда иш кўрадиган хизмат кўрсатувчилар ҳам йўқ эмас.

Мавзуни ўрганиш давомида миллионлаб маблағ сарфлаб хонадонига қуёш панеллари ўрнатган, бироқ айни пайтда ундан фойдалана олмаётганларнинг дарду ҳасратига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Шундай экан, юртимизда аҳолининг қуёш панелларидан фойдаланишнинг оммалаштириш учун, аввало, қуёш панелларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бозорига рақобатни янада ривожлантириш, бу фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари олдига махсулот ва хизмат сифати бўйича аниқ талаблар қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ТОҒ БАҒРИДАГИ ҚИШЛОҚ

ҲАВОСИ МУСАФФО, ТАБИАТИ БЕТАКРОР

Сурхондарё вилоятининг Саригасий туманида Кундаи жувоз деган мўъжазгина қишлоқ бор. Тўполанг сув омборининг кунчиқар тарафидеги Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган бу қишлоқ ўзининг хушманзара табиати ва дилкаш инсонлари билан донғи кетган.



Интилиш

Туман марказидан 55 километр узоқликда жойлашган Кундаи жувозда атиги 46 та хонадон мавжуд. Бу ерлик кам сонли аҳоли ҳақиқий этник турмуш тарзини сақлаб қолган. Тоғлар қўнида буй кўрсатган қишлоқнинг ҳавоси мусаффо, табиати бетакрор, мевалари тўтли, одамлари танти ва меҳмондўст. Бу ерга келган кишининг баҳриди-ли яйради. Яқингача бу ерда автомобиль йўли бўлмаган. Қишлоққа етиб бориш учун Тўполанг сув омбори орқали моторли қайиқларда 11 километр йўл босилган куруқликка чиқиб, ў ёрига фақат отуловда ёки яёв бориларди. Аёллар ўчоққа олов ёқиб, таом пиширган,

чой қайнатган. Пиликли чироқлар, шам ёруғида ҳаёт кечирилган. Лекин шу кунгача ҳеч ким турмушдан нолимаган. Бориға шўр қилиб, чоғроқ турмушидан қувонч топиб яшаган.

Инсон қадри улуғланаётган янги Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган эътибор юртимиздаги ана шундай бориш қийин бўлган чекка тоғли ҳудудлардаги кам сонли аҳоли яшайдиган масканларни ҳам қараб олмоқда.

— Ёшим етимидан ошди. Ота-боларим ҳам шу ерда яшаган, — дейди қишлоқ нурунийси Абдуқодир Ҳалимов. — Ҳеч ким турмушдан шикоят қилмаган, чунки бу ерда бирор янгилик яратишни иложисиз деб билардик-да. Туман марказига бориш учун сўқмоқ йўллардан, тубсиз жарлик ва даралардан оловда юрардик. Дастлаб қишлоққа сууртилган газ баллонларини етказиб бериш йўлга қўйилди. Юртбошимизнинг топшириғи билан тоғу қияллар ошиб автомобиль йўли барпо этилган эса, очиги,

бизни хайрон қолдирди. Бугун газ баллонларини машинада уйма-уй тарқатишяпти. Одамлар замонавий машиналар харид қиляпти.

Бу олис тоғ қишлоғига қисқа вақтда ҳаётнинг барча қулайлиғи бирин-кетин етиб кела бошлади. Мавжуд 46 та уйнинг ҳар бирида қуёш панеллари ўрнатилди. Аҳоли ўз эҳтиёжига қараб муқобил энергиядан фойдаланяпти.

— Кундаи жувоз «Турмушобод» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқлардан бири, — дейди маҳалла раиси Ҳуснатилло Комилов. — Бу ерда 202 нафар аҳоли истиқомат қилади ва асосан, чорвачилик ҳамда дехқончилик билан шуғулланишади. Уларга бир нафар ҳамшира бриктирилган. Шу ернинг ўзиде, 46-мактабда фарзандларимиз тахсил олади. Кундаи жувоз каби бу ердаги Хушбабар, Қарш ва Чоқат тоғ қишлоқларига элтувчи автомобиль йўлининг барпо этилгани яқин келажақда бу ерларнинг туризм имкониятларини юзасига чиқаради деб ишонимиз.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

МАҲАЛЛА ИДОРАСИ ҚАЕРДА?

Кейинги йилларда юртимизда замонавий маҳаллалар кўпайиб бормоқда. Анъанавий «маҳалла» тушунчасининг ўзи ҳам ўзгарди. Маҳалла эндиликда фақат «справка» берадиган идора эмас, одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан биладиган тузилмага айланмоқда.

Бир олманинг икки юзи

2017 йил 3 февралда «Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент Фармони имзоланган эди. Ушбу ҳужжатга биноан маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари биналарини намунавий лойиҳа ва уларга қўйилган талаб-

лар асосида қуриш, шунингдек, реконструкция қилиш, таъмирлаш, зарур мебель жамламаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет билан таъминлаш белгиланган. Тошкент вилояти идоралари биналарини намунавий лойиҳа ва уларга қўйилган талаб-

дан қурилди. Намунавий лойиҳа асосида таъмирланди.

Бироқ айни пайтда Нурафшон шаҳридаги 22 та маҳалла фуқаролар йиғини, Ўрта Чирчиқ туманидаги 57 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчаси ҳам ўз маъмурий биносига эга эмас. Улар турли ташкилотлар биносиде фаолият олиб бормоқда. Рақамларнинг далолат беришича, Тошкент вилоятида 73 та маҳалла идорасини қуриш лозим. Жумладан, Чирчиқда 3 та, Нурафшон, Пискент ва Ўрта Чирчиқда 4 тадан, Қўрай ва Қуйи Чирчиқда 5 тадан, Оҳангаронда 6 та, Янгийўл ва Паркентда 7 тадан янги маҳалла идораси керак.

Президентимизнинг 2020 йил

18 февралдаги тегишли қарорига асосан ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг фаол жалб қилиш ҳисобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш белгиланган. Айтмоқчимизки, ҳомилар, хайрига маблағлари ҳисобидан маҳалла идораларини қуриш, таъмирлаш ишларини олиб бориш тажрибаси аллақачон муваффақиятли тарзда амалда қўлланмоқда.

Кейинги йилларда Ўрта Чирчиқ туманидаги ўнга яқин маҳалла идоралари ҳимматли тадбиркорлар, элга қайишувчи ишбилармонлар томонидан замонавий кўринишда қуриб берилади. Айни пайтда ушбу туманнинг маъмурий марказида

«Мадонис» фермер ҳўжалиги раҳбари томонидан замонавий «Нурунийлар маскани» қурилмоқда. Яқин кунларда у ртарчиликликлар истиёрига топширилади.

Маҳалла идораси шу аҳолининг манфаатларига хизмат қилади. Маҳаллада қанча тадбиркорлар, ишбилармонлар яшайди. Юқорида саналган маҳалла идораси йўқ манзилларда ҳам шундай одамлар бор. Маҳалла раиси ислоҳотчи бўлиб, тадбиркорларни ўзларининг маҳалла идорасини қуриб, таъмирлаб беришга чорласа мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда «Маҳаллангиз идораси қаерда?» деган савол жавобсиз қолмайди!

Оттабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон — Германия мактаби очилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқий маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Тахриратта келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тасвир берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Р. Бобоқонов.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.25

Топширилди — 00.30

1 2 3 4 5 6

ISSN 0010-4788